# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 15 июль, № 136 (6066) Сешанба


## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

“Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш имконига эга бўлганим учун Ўзбекистон раҳбариятига самимий миннатдорлик билдираман.

Сизни ва Ўзбекистон илмий жамоатчилигини юксак савияда ташкил этилган ушбу нуфузли анжуман муваффақиятли ўтгани билан табриклайман. Халқаро илмий жамоатчилик ғоят фойдали ва муҳим ташаббуслардан бирига айланган бундай конференцияни кўпдан буён сабрсизлик билан кутган эди. Форум дунё мамлакатлари илм-фан вакилларини Марказий Осиё олимларининг улкан илмий ва тарихий меросининг ҳали очилмаган саҳифаларини ўрганиш мақсадида бир жойга тўплади.

Сиз ўзингизнинг теран маъноли илмий нутқингизда менинг илмий фаолиятимни лутфан эслаб ўтдингиз. Бу мен учун катта шарафдир. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонни ўрганишга бағишланган ярим асрлик фаолиятим давлат раҳбари томонидан эътироф этилгани ва юксак баҳоланганидан мен ниҳоятда мамнунман ва бунинг учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Бой ўтмишга эга ва бугун тараққий этиб бораётган буюк мамлакатингиз бутун Осиё довруғини кенг ёйишга улкан ҳисса қўшган ва қўшмоқда. Ҳинд халқининг буюк фарзанди Жавоҳарлаъл Неру Шарқ Ренессанси ҳақида гапирганда ҳар доим Марказий Осиёни назарда тутган. Ўз фаолиятини 1969 йилдан буён Марказий Осиё ва Ўзбекистон билан боғлаган олим сифатида ушбу минтақа илм-фани ва маданияти доимо мени мафтун этиб келади. Марказий Осиё алломалари ва мутафаккирларининг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш ва қайта тиклашга ўзимнинг арзимас улушимни қўшганимдан бахтиёрман.

Марказий Осиё ҳақида 230 илмий мақола ва 15 китобим чоп этилган. Айни пайтда Марказий Осиё тўғрисидаги Қисқача энциклопедия устида олиб бораётган ишимни ниҳоясига етказиш арафасидаман. Сиз Ўзбекистонда буюк аждодларингиз меросини ўрганиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга раҳнамолик қилаётганингиз ҳар қанча таҳсинга сазовордир, бу мени ҳам янги-янги илмий изланишларга руҳлантиради. Сизнинг ғамхўрлигингиз ва эътиборингиз бизнинг Марказий Осиёни янада чуқур ўрганишга қаратилган ишларимизга янги куч бағишламоқда. Зеро, ўз аждодлари ва олимларини қадрлаган давлат, албатта, равнақ топади.

Ўзбекистон тарихи ва маданиятига бағишланган айрим китобларимни Сизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тақдим этиш мен учун катта шарафдир. Менинг фикрларимни Муҳаммад Иқболнинг қуйидаги сатрлари янада ёрқинроқ ифодалаши мумкин:

Ўзимда не бўлса борини бердим,
Сиз яхши биласиз бунинг қадрини.

*Эзгу тилаклар билан,*

**Мансура ҲАЙДАР,**
**профессор, Индира Ганди номидаги миллий маданият марказининг илмий раҳбари.**
Деҳли

# ЗАМОНАВИЙ ВА НОЁБ ЛОЙИҲА

## юртимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади

*Ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ривожида транспорт-коммуникация тизими муҳим аҳамиятга эга. Шу боис юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мазкур йўналишдаги ишларга, хусусан, темир йўл тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар эса нафақат юк ва йўловчи ташиш ҳажмини кенгайтириш, балки халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, юрт равнақини таъминлашга хизмат қилмоқда.*



БУНЁДКОРЛИК



Хусусан, ўтган даврда мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини барпо этиш мақсадида “Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус”, “Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон” темир йўл линиялари, Амударё узра узунлиги 681 метрлик муҳташам кўприк қуришдек улкан вазифалар ўзимизнинг етук муҳандислар томонидан қойилмақом тарзда поёнига етказилди. 2011 йилдан “Afrosiyob” тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилгани эса йўловчиларга қулайлик яратиш баробарида, Марказий Осиёда дастлабки тезюрар поезд сифатида тарих саҳифаларидан муносиб жой олди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2013 йил 18 июндаги “Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК ва Хитойнинг “China Railway Tunnel Group” компанияси томонидан бошланган бунёдкорлик ишлари ҳам ана шундай эзгу ишларнинг мантиқий давомидир.

(Давоми 3-бетда).



## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

*11 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида халқ таълими вазирининг мактабгача таълим тизимини янада ривожлантиришга доир ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди.*

# ДЕПУТАТЛАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИНИ ЭШИТДИЛАР

Парламент эшитуви вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органларининг мактабгача таълим соҳасидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш бўйича фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, “Соғлом бола йили” Давлат дастурини амалга оширишни мониторинг қилиш мақсадида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ва Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциялари ташаббуси билан ўтказилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаяпти. Пировардида ноёб, ўхшаши йўқ узлуксиз таълим тизими шакллантирилди. Мазкур тамойил мактабгача, мактаб, ўрта махсус, мактабдан ташқари, олий ва ундан кейинги таълимни ўз ичига олади. Шубҳасиз, бунда мактабгача таълимнинг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, болаларда эрта ёшдан билим олиш ва унга таяниш ҳиссини шакллантириш муҳим ҳисобланади. Бу эса инсонга бутун умри давомида ҳамроҳ бўлиб, унинг камолоти ва имкониятларини рўёбга чиқаришда пойдевор вазифасини ўтайди.

Парламент қуйи палатаси депутатлари эшитувга тайёргарлик кўриш доирасида шулардан келиб чиқиб, ўз сайлов округларида иш олиб бордилар.

(Давоми 2-бетда).

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

*Аввал хабар берилганидек, 11 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор долзарб қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Бир кун олдин сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг йиғилишлари бўлиб ўтди, уларда кун тартибига киритилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Қонун лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама этилиб, уларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Депутатлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлимини ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ тайёрланган “Микромолиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини муҳокама этишдан бошладилар. Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг молиявий маблағлардан фойдаланишини яхшилаш орқали уларни ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган. Киритилаётган тузатиш кредит олишга доир аризаларнинг банклар ва бошқа ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши муддатини ўн иш кунидан уч иш кунига қадар қисқартиришни назарда тутади.

Шундан сўнг депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

(Давоми 2-бетда).

# Адвокатура институти

## инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси ҳамда “Минтақавий мулоқот” халқаро ноҳукумат ташкилоти (Словения) ҳамкорлигида “Адолатли суд жараёнида адвокатнинг роли: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси” мавзуида халқаро семинар-тренинг ўтказилди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари, америкалик экспертлар, адвокатлар иштирок этди. Тадбирда адвокатура институтининг инсон ҳуқуқ-манфаатлари ҳамда эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ фаолияти ва мустақиллигини янада кучайтириш, бу борадаги халқаро тажриба, суд жараёнида прокурор ва адвокатнинг тенглиги тамойили каби долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

(Давоми 3-бетда).

ИЖТИМОИЙ ФИКР

*Мустақиллигимизнинг 23 йиллик тарихига назар ташласак, мамлакатимизда демократик бозор муносабатларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш борасида оламшумул ютуқларга эришилганига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.*

# Аҳолининг банкларга ишончи мустаҳкамланмоқда

Бу, шубҳасиз, юртимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, шу жумладан, банк тизимини янада такомиллаштириш, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини мунтазам ошириб бориш ҳамда хизматлар сифатини тубдан яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасидир. Ҳозирги кунда ушбу тизим тадбиркорларнинг яқин ҳамкори ва таянчига айлангани ана шундан далолат беради.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази 2011 — 2014 йиллар давомида тадбиркорлар фаолиятида банк тизимининг ўрни ва аҳамияти ҳақида жамоатчилик баҳосини ўрганишга қаратилган бир қатор тадқиқотларни олиб борди. Бундай тадбирларнинг навбатдагиси республикамизнинг барча ҳудудларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари ўртасида ўтказилди.

Респондентларни танлашда тадбиркорлик соҳасининг барча тоифалари (оилавий тадбиркорлик, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхона ва микрофирмалар) қамраб олиниб, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва тадбиркор аёлларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).




## Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти Берлинда тақдим этилди

Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонасида мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти тақдимоти ўтказилди. Элчихона ҳамда Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича немис ассоциацияси (OMV) ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Германия ишбилармон доиралари, давлат идоралари ва тижорат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлди.

# ДЕПУТАТЛАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИНИ ЭШИТДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан мактабгача таълим тизими ривожланиши, жумладан, болаларнинг бу даргоҳларга жалб қилиниши, уларни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида тарбиялаш ҳамда ўқитиш даражаси, сифатини ўрганиш, баркамол авлодни шакллантиришга доир назорат-таҳлил тадбирлари ташкил этилди.

Ўрганишлар юртимизда узлуксиз таълим бошланғич бўғини тизимида ҳар томонлама соғлом ўғил-қизларни вояга етказиш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилганини кўрсатди. Ҳозирги замон талаблари ва мезонлари инобатга олинган ҳолда, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни реконструкция қилиш ва модернизациялаш, шунингдек, уларни давлат бюджетидан молиялаштиришга янада кенг аҳамият берилаяпти. Охирги 3 йилда ажратилган маблағлар ҳажми 2 баравар ортди.

Республикамизда 4950 та давлат ва 74 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича мунтазам иш олиб борилаяпти. Натижада болаларни кейинги босқич — умумтаълим мактабларида ўқишга тайёрлаш даражаси юксалмоқда. Айни чоғда Соғлом бола йили муносабати билан 2015 — 2020 йилларда мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш давлат дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Эшитув чоғида депутатлар ушбу соҳада қатор фойдаланилмаган имкониятлар ва ишга солинмаган захиралар борлигига диққатни қаратдилар.

Айниқса, қишлоқ жойларда мактабгача таълим муассасаларини юқори малакали, тажрибали педагоглар билан таъминлаган ҳолда уларнинг тармоғини кенгайтириш, давлат стандартларига мувофиқ ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, болаларнинг ўзлаштириш даражасини оширишга эътибор қаратиш зарур.

Савол-жавоблардан кейин халқ таълими вазирининг ахбороти ҳар томонлама муҳокама этилиб, барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар.

**Нодира КАРИМОВА, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Таълимга йўналтирилган маблағ келажакка сармоядир. Чунки замонавий илм ва мустақил тафаккурга эга авлодгина ҳар қандай давлатнинг ёркин истиқболини таъминлай олади. Боланинг билимлар оламига қўйган илк қадамларидан бошлаб мукаммал таълим олишга пойдевор қўйилади. Мамлакат иқтисодиётининг муттасил ўсиши, ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ошиши, бозор муносабатлари ва мулкчиликнинг турли шакллари ривожланиши эса мактабгача таълимдан тортиб бутун таълимнинг барча жараёнларини қўллаб-қувватлаш имконини беради. ЎзЛиДеПнинг дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, нодавлат мактабгача таълим муассасаларини янада равнақ топтириш, жумладан, соҳага хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ жалб қилинишини таъминлашда ёрдам берган бўларди, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, нодавлат секторнинг кенгайтирилиши мактабгача таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, улардаги ўқув-тарбия ишларини яхшилашга кўмаклашади. Шу муносабат билан қишлоқ жойларда ташкил этиладиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини қонун йўли билан, хусусан, уларга имтиёзлар бериш орқали рағбатлантириш тизимини яратиш зарур.

**Гулноза ЭРНАЗАРОВА, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Ҳар йили давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Уларнинг катта қисми таълим тизимига ажратилаяпти. Бу соҳага улкан аҳамият берилаётганини яна бир бор тасдиқлайди ҳамда партиямизнинг дастурий мақсадлари, электорат манфаатларига тўлиқ мос келади. Бизнингча, 2015 — 2020 йилларда мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳудудларнинг ички ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан кенг фойдаланиш зарур. Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини изчил тараққий топтириш эҳтиёжларига узвий боғлиқ тарзда олий ўқув юртларида, навқирон авлод, жумладан, имконияти чекланган болалар учун ҳам юқори малакали педагоглар, дефектологлар, психологларни тайёрлаш, малака ошириш институтларида мутахассисларни қайта тайёрлаш чора-тадбирларини кўриш зарур.

Шулар баробарида, биз оилаларни замонавий мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ жалб қилишга интилишимиз, жумладан, ўзини ўзи молиялаштирадиган болалар қисқа муддатли тайёрлов гуруҳларини ташкил этишни йўлга қўйишимиз лозим.

**Ўрол ХАИТОВ, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Фракциямиз ушбу эшитувни ўтказишда ташаббус кўрсатгани бежиз эмас. Боиси, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш ҳар доим долзарбдир. Биз эшитувга тайёргарлик кўраётиб, ушбу масалани пухта ва ҳар томонлама ўрганиб чиқдик. Айтиш лозимки, болажонлик, уларнинг келажаги тўғрисида доимо қайғуриш — халқимиз менталитетига хос фазилатлардандир. Айни чоғда айнан ёшлар аҳолининг асосий қисмини ташкил этади. Бинобарин, ушбу масала давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Шунга уйғун тарзда мамлакатимиз миллий таълим тизими хорижлик экспертларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Тошкентда юқори савияда ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзуидаги халқаро анжуманда ушбу соҳадаги миллий модель ва унинг самаралари юқори баҳога сазовор бўлди. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг таълим тизими демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадлари билан муштарак эканлигини алоҳида эътироф этди. Ўз навбатида, юртимизнинг жаҳонда нуфузи ошиши инсонлар, айниқса, ёшларнинг билим ва кўникмалари даражаси, умуман, интеллектуал салоҳиятига боғлиқ.

Шуларни ҳисобга олиб, партиямиз таълимнинг барча босқичларини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида такомиллаштиришни таклиф этмоқда. Боланинг етук бўлиб улғайишида уни ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний камолга етказиш масалаларини ўз ичига оладиган ўқитиш дастурларини ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бизнингча, мактабгача таълим муассасаларини миллий анъаналар ва урф-одатларимизни ўзида мужассам этган кўргазмали қўлланмалар, дидактик материаллар, мантиқий ўйинлар ва ўйинчоқлар билан таъминлашни давом эттириш даркор. Бундан ташқари, педагоглар фаолиятини уларнинг иш стажи ва малакасига қараб рағбатлантириш механизмини яратиш, болалар билан ишлашда замонавий усулларни жорий этиш ва инновацион ютуқлардан кенг фойдаланиш керак.

**Тўлқин АБДУСАТТОРОВ, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— “Соғлом бола йили” Давлат дастури болаларни ҳар томонлама камолга етказишга қаратилган. Бундай ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва изчил рўёбга чиқарилиши бошқа мамлакатлар амалиётида камдан-кам учрайди. Ўзбекистоннинг таълим тизимини бошқа давлатлар тизимлари билан солиштирганда, унинг самарадорлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Экспертлар доиралари мамлакатимизнинг бу борадаги тажрибасини эътироф этаяпти. Жумладан, улар таълим соҳаси давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганига юқори баҳо бермоқдалар.

Партиямиз ўз дастури ва сайловолди платформасига мувофиқ, болаларни тарбиялаш ва ўқитиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, чунончи, болалар боғчалари, мактабларда сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун кўмаклашишга интилмоқда.

Шу муносабат билан, бизнингча, ННТ, ОАВ, фуқаролик жамияти бошқа институтлари билан ҳамкорликда аҳоли орасида болаларни эрта ёшдан ривожлантириш, уларни ижтимоий мослаштиришда мактабгача таълим муассасаларининг роли ва аҳамиятини тарғиб қилиш, тушунтиришга доир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Бундан ташқари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, мактабгача таълимни ташкил этиш шакллари ва усулларини кенг жорий қилиш, болаларни “Болажон” базавий дастури асосида мактабга тайёрлашнинг турли ва қулай услубларини ривожлантириш, шу асосда уларни тайёрлаш сифатини оширишга доир аниқ чора-тадбирларни кўриш лозим.

Парламент эшитуви якуни бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мактабгача таълим тизимини, тегишли ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, моддий-техник базани босқичма-босқич мустаҳкамлаш, уларни ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш, нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, шунингдек, ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг моддий рағбатлантирилишини кучайтиришга қаратилган қарори қабул қилинди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2015 — 2020 йилларда мактабгача таълим тизимини янада ривожлантириш давлат дастурини ишлаб чиқишни ва қабул қилишни тезлаштиришни тавсия қилдилар.

**Саиджон МАХСУМОВ.**



# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат кредитор қарздорликни, шу жумладан, бюджетга тўланадиган тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларни қасддан банкротликка етказиш фактларини аниқлашга доир олдини олиш чора-тадбирларини кўриш ва механизмларни яратишга қаратилган. Ушбу қонун лойиҳасига биноан, “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига тегишли ўзгартишлар киритилмоқда.

Парламент қуйи палатаси вакилларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳаси хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз иқтисодий мустақиллиги учун жавобгарлигини кучайтириш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш имконини беради.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан бир қатор семинарлар, давра суҳбатлари ва анжуманлар ўтказилди. Уларнинг натижалари бўйича айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган 18 та ўзгартиш ва қўшимча киритилди. Ишчи гуруҳ ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини муҳокама этиш чоғида сиёсий партиялар фракциялари вакиллари, шунингдек, экспертлар ва мутахассислар томонидан киритилган амалий таклифларни инобатга олди. Бундан ташқари, ишчи гуруҳ қонун лойиҳаси устида ишлаш чоғида депутатларнинг ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувларда келиб тушган фикр ва таклифларни ҳам ҳисобга олди. Шунингдек, бир қатор давлатларнинг ушбу соҳадаги тажрибасини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг Қонунчилик палатаси депутатлари Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи томонидан киритилган “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур қонун лойиҳаси амалдаги қонун ҳужжатлари норма ва қоидаларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш, уни қабул қилинган Қонунга мувофиқлаштириш, ушбу соҳадаги муносабатларнинг бир хил ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасида “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларга, шунингдек Олий Мажлиснинг 1996 йил 26 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга тузатишлар киритиш таклиф этилмоқда.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида ҳуқуқий қоидаларни муҳокама этишга доир бир қатор тадбирлар ўтказди. Уларда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг вакиллари, ушбу соҳа олимлари ҳамда экспертлар иштирок этдилар. Шунингдек, мазкур ҳужжат сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг йиғилишларида ҳам муҳокама этилди. Депутатлар ушбу йиғилишларда қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор аниқ таклифларни ишлаб чиқдилар ҳамда ишчи гуруҳга киритдилар. Улар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда ҳисобга олинди.

Қонунчилик палатаси мазкур қонун лойиҳалари ҳар томонлама моддама-модда муҳокама этилганидан кейин келиб тушган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда уларни маромига етказиш учун юборишга қарор қилди.

Шунингдек депутатлар мажлис чоғида бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқдилар.

Жумладан, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорини ижро этиш мақсадида тайёрланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилган “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Қонун лойиҳасининг асосий ғояси ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт воситаларининг барча турларида ташишни амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини кафолатлашдан иборат. Бугунги кунда йўловчиларни уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига етказиладиган зарардан суғурталаш билан ҳимоя қилиш “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий давлат суғуртаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан таъминланмоқда. Ушбу Қонун таҳлили шуни кўрсатадики, унинг алоҳида нормалари ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Чет эл тажрибасида йўловчиларнинг манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш учун йўловчиларни мажбурий шахсий суғурта қилиш ўрнига ташувчининг йўловчи олдидаги жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш механизмидан фойдаланилади.

Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Улар “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси аҳолининг манфаатларига ҳамда ушбу соҳада умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беришини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, қонун лойиҳаси қабул қилинса, фуқароларнинг Конституция билан кафолатланадиган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Депутатлар ҳар томонлама муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, мазкур қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага ҳужжатни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлашни топширдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**









# АҲОЛИНИНГ БАНКЛАРГА ИШОНЧИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сўров натижаларига кўра, шаҳар ҳудудида “микрофирма” ва “кичик корхона” деб аталувчи субъектлар кўпроқ бўлса, қишлоқ жойларда ишбилармонликнинг энг ривожланган тури якка тартибдаги тадбиркорлик эканлиги, айниқса, оилавий тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бораётгани аниқланди. Тадбиркорлар ёш бўйича таҳлил қилинганда, 18 — 24 ва 25 — 29 ёшдагиларнинг аксариятини якка тартибдаги тадбиркорлар, 30 — 39 ва 40 — 49 ёшдагилар, ўз навбатида, олий маълумотлиларнинг асосий қисмини кичик корхона субъектлари ташкил қилиши маълум бўлди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, тадбиркорларнинг банк кредитларидан фойдаланишлари йил сайин ортмоқда. Бу, албатта, уларнинг мазкур тизимга бўлган ишончи кучаяётганини кўрсатади.

Сўровларда мамлакатимиздаги тижорат банклари фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бинобарин, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Ипотека-банк”, “Агробанк”, Миллий банк, “Асака” банки, “Трастбанк”, “Қишлоқ қурилиш банк”, “Савдогарбанк” филиалларининг фаолияти ҳудудларда юқори баҳоланган.

Респондентларнинг 95,4 фоизи (Бухоро, Қашқадарё, Хоразм ва Фарғона водийси вилоятларидаги тадбиркорларнинг аксарияти) банклар фаолиятини ижобий баҳолагани ҳам эътиборга лойиқ. Сўровда қатнашганларнинг мутлақ кўпчилиги банк ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришини, маслаҳат бериш ва муаммоларни ечишда тезкор ёрдам кўрсатишини, омонатларини сақлаш бўйича барча амалиётларни ўз вақтида амалга оширишини, бу жараёнда белгиланган тартиб-қоидаларга тўла риоя қилишини ҳамда қонунбузилишига йўл қўймаслигини алоҳида эътироф этди.

Шу билан бирга, сўровда иштирок этганларнинг қарийб 98 фоизи омонатга пул қўйишда “Банкка бўлган ишонч” асосий таомилга айланганини, кейинги ўринларда “Юқори даромадлилик” ҳамда “Маблағларнинг кафолатланганлиги” тамойилига ишонишганлигини билдирди.

Сўралганларнинг 97,5 фоизи эса кредит олишда ҳеч қандай муаммо йўқлигини эътироф этишди. Уларнинг фикрича, кредитлашнинг тартиб-қоидалари соддалаштирилганлиги бу борада муҳим омил бўлмоқда.

*— Корхонамизда 2005 йилдан буён пойабзал учун чарм ишлаб чиқариларди, аммо хом ашёни четдан келтиришдаги узилишлар туфайли ишимиз тўхтаб қолди, — дейди “Мир-Улуғбек-МХ” МЧЖ раҳбари Фурқат Ҳасанов. — Натижада биномизни ижарага беришга мажбур бўлдик. Ўша пайтда, биласизми, боши берк кўчадан чиқишнинг иложи йўқдек туюлганди бизга. Бахтимизга корхонамиз қайта оёққа турди. Бунда “Ипотека-банк”нинг 741,2 миллион сўмлик кредити қўл келди: унинг ҳисобидан замонавий асбоб-ускуналарни харид қилиб, пайпоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бундан ташқари, хом ашё харид қилиш учун 120 миллион сўм кредит олгандик, уни ўз вақтида тўлаб бўлдик. Шулар баробарида, корхонамизнинг айланма маблағини тўлдириш учун яна 18 ой муддатга 61,9 миллион сўм кредит олдик.*

*Ўз навбатида, банк томонидан жорий йилнинг январь ойида 1,2 миллиард сўм кредит ажратилгани туфайли замонавий русумдаги технологияларни ўрнатдик ва фаолиятимизни янада кенгайтирдик. Натижада 50 та иш ўрни яратилди. Умуман, ишчи-ходимларимизнинг 37 нафари аёллар, 26 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.*

*Мана, бугун маҳсулотларимиз сифатли, харидорларнинг қизиқиши ҳам шунга яраша. Бунинг учун банк жамоасидан миннатдормиз.*

Бундан ташқари, респондентларнинг 97,8 фоизи банклар томонидан ажратилаётган кредитлар натижасида тадбиркор аёллар сони кўпаяётганини қайд этгани ҳам диққатга сазовордир.

*— Чевар эмасманми, маҳалламизда яшовчи аёлларнинг буюртмаларини бажариб юрардим, — дейди Қўрғонтепа туманидаги “Ягона ҳамкор нури” МЧЖ раҳбари Сарвархон Рўзиматова. — Ҳунармандлар ўзларига яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, муваффақиятларга эришаётганини кўриб, биз ҳам эркак ва аёллар учун кийим-кечаклар тайёрлашни йўлга қўйдик. Маҳсулотимизга аҳоли орасида талаб юқори. Албатта, бу ютуғимизда доимий ҳамкоримиз — “Қишлоқ қурилиш банк”нинг ҳиссаси катта. Негаки, унинг 250 миллион сўмлик кредити бизга нафақат моддий таянч, балки руҳий далда бўлди. Муҳими, сармояни тўғри йўналтирганимиз туфайли 40 нафар аёл доимий иш билан таъминланди. Шулардан 10 нафари коллеж битирувчиларидир. Ўтган йил давомида 160 минг донадан ортиқ трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришдик. Келгусида мазкур банкдан яна 300 миллион сўм кредит олиб, маҳсулот экспортини йўлга қўйишни ҳам режалаштираяпмиз.*

Сўровда, шунингдек, тижорат банклари томонидан мамлакатимизнинг олис, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган бир қатор туманларидаги тадбиркорлар ва аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилаётган имтиёзли кредитлар тўғрисидаги фикрларга ҳам ойдинлик киритилди. Унга кўра, респондентлар мутлақ катта қисми (98,7 фоизи)нинг фикрича, бу борада банкларнинг амалий ёрдами катта бўлмоқда. Берилаётган имтиёзли кредитлар туманларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг жадал ривожланишига, қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгаришига, янги савдо марказлари ишга тушишига хизмат қилмоқда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг иш билан таъминланишига имкон бермоқда.

Қолаверса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш учун тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга ажратилаётган имтиёзли кредитлардан ҳам респондентлар мамнун эканлигини маълум қилишди. Жумладан, сўровда қатнашганларнинг 98,9 фоизи айнан шундай кредитлар қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини янада яхшилаш билан бирга, бандликни оширишда қулайликлар яратмоқда, деб ҳисоблайди. Айниқса, шу орқали томорқада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ортиб, ички бозорларда нарх-навонинг мўътадил бўлиши таъминланмоқда.

*— Бугунги кунда юртимиздаги ўзгаришларни кўриб, қалбимиз ғурурга тўлаётир, шижоатимизга шижоат қўшилмоқда, — дейди Жондор туманидаги “Ўзбекистон” қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Қодир Қаландаров. — Қишлоғимиз аҳолиси банкларнинг амалий ёрдами билан барча орзу-мақсадларига эришаётганини айтмайсизми?! Ахир улар томорқа хўжалигида паррандачилик, асаларичилик ва қорамолчилик билан шуғулланиб, оиласининг фаровонлигини юксалтирмоқдалар-да. Илгари бундай шароит бўлганми? Ҳатто тушимизга ҳам кирмаган.*

*Оммавий ахборот воситалари орқали бошқа давлатлар фуқароларининг турмушини кўриб турибмиз. Кўплаб мамлакатларда банклар одамлар ҳаётига кириб, яқиндан ёрдам бераяптими?! Йўқ! Бизнинг юртимизда эса молия муассасалари аҳолининг энг яқин кўмакчисига айланган. Шунинг учун уларга бўлган ишончимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Банкларимизнинг жамиятдаги ўрни ва обрўси тобора ошаверса, барчамизга фойда. Мустақиллигимизнинг яқинлашиб келаётган 23 йиллик айёми арафасида булар ҳақида сўзлаш янада мароқли.*

Шу билан бир қаторда, респондентларнинг 96,6 фоизи фикрича, микрокредитни тижорат банклари орқали амалга ошириш ишончли ҳамда кафолатли. Уларнинг мутлақ кўпчилиги ажратилаётган микрокредитлар аҳоли фаровонлигини юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш, чекка ва қишлоқ ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришга замин яратаётир, деб ҳисоблайди.

Тадбиркорларнинг қарийб 98 фоизи бундай имкониятдан самарали фойдаланиб, кўзлаган натижаларга тўлиқ эришгани, бунда жиддий қийинчиликларга учрамаганини билдиргани ҳам диққатга сазовор. Сўровда иштирок этганларнинг 97,5 фоизи банк тизимида ишбилармонлик муҳити яратилганлигини алоҳида таъкидлаб, бу қисқа муддат ичида ҳеч бир муаммосиз кредитлар олиб, бизнесини йўлга қўйишга имкон берганини таъкидлаган. Ниҳоят, сўровда қатнашганларнинг 98,7 фоизи банкларнинг имтиёзли кредитлари кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, улар томонидан маҳсулотларни экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этган бўлса, хорижий инвесторлар эса банкларга бўлган ишончи ортиб бораётганини тасдиқлашган.

Шу ўринда респондентлар жойларда Марказий банк ташаббуси билан Бош прокуратура, Савдо-саноат палатаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ билан ҳамкорликда ўтказилаётган амалий учрашувларга юқори баҳо берганлар. Уларнинг 98,8 фоизи “ушбу амалий учрашувларнинг тадбиркорликни йўлга қўйишда катта ёрдами тегмоқда, барча саволларга тўлиқ жавоблар олаяпмиз, ёшларимиз иш ўринларига эга бўлишларида имкониятлар яратмоқда” каби жавоблар олинди.

*— Ўзбекистон банк тизими халқаро андозаларга мос равишда самарали фаолият кўрсатаётгани учун биз муваффақиятли иш юритаяпмиз, — дейди Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси раҳбари Сатвиндер Сингх. — Бундай дейишга тўла асос бор. Чунки кўплаб давлатларнинг банклари фаолияти билан яқиндан танишман. Ўзбекистон банклари тадбиркорларга яқин ҳамкор бўлаётгани диққатга сазовордир. Тадбиркорга нима керак бўлса — барчаси муҳайё. Қарийб ўн йилдирки, мамлакатингизда қўшма корхонамиз фаолият юритиб келмоқда. Бизга нуфузли банклардан бири — “Асака” банки сифатли хизмат кўрсатади. Барча банк амалиётларини офисимизда туриб, интернет орқали бошқарамиз. Корхонамиз, асосан, фармацевтика соҳаси билан шуғулланади. “Асака” банкидан кредит олиб, мана, фаолиятимизни кенгайтирдик. Эндиликда банклар томонидан яратилган қулай инвестиция муҳити бизни муваффақиятлар сари етакламоқда.*

*Умуман, хорижий қўшма корхоналарнинг Ўзбекистон банкларига нисбатан ишончи юқорилигини алоҳида айтишни истардим. Бу борада бизга барча имкониятларни яратиб берган давлатингиз раҳбари Ислом Каримовга ўз миннатдорлигимизни билдириб қоламиз ва қадрлаймиз. Биз диёрингизда фаолият кўрсатаётганимиздан мамнунмиз.*

Таъкидлаш жоизки, мазкур юксак эътирофлар давлатимиз раҳбари томонидан ушбу тизимни ривожлантириш борасида қабул қилинган Фармон ва қарорлар, давлат дастурлари банк тизимида ўз вақтида, сифатли ижро этилаётганлигининг амалдаги ифодасидир.

“Ижтимоий фикр” маркази томонидан сўров натижалари асосида банк-молия соҳасини янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилдики, бу пировардида тизимнинг янада равнақ топишига хизмат қилиши муқаррардир.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.**



Қорақалпоғистон Республикаси: “Сув қурилиш бошқармаси” МЧЖ жамоаси айни пайтда Амударё туманида намунавий лойиҳалар асосида 10 та тураржой бунёд этмоқда.

Истиқлол сурури



# МУАЗЗАМ ШАҲАР ЖОЗИБАСИ

*Жонажон диёримиз ўзининг қадимий обидалари билан дунёга машҳур. Аммо собиқ шўролар даврида уларнинг аксарияти қаровсизлик ва эътиборсизликдан тўкилиб тушай, деб қолганди. Истиқлол асрлардан сўзлагувчи ушбу обидаларимизга қайта жон ато этди.*

*Хусусан, Самарқанд шаҳрида амалга оширилган ишлар ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Тарихий обидаларимиз асл ҳолига келтирилиб, азим шаҳар эртакмонанд бир кўриниш касб этди. Шуларга уйғун тарзда замонавий иншоотлар, хусусан, меҳмонхоналар қад ростлади, кўча ва хиёбонлар обод қилинди. Бир пайтлар бу ерда бор-йўғи 2-3 та меҳмонхона ҳамда 5-6 та туристик фирма бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, миллий ва замонавий услубларда қурилган, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган 90 га яқин меҳмонхона, 155 та туристик фирма сайёҳларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Муҳими, бундай юксак эътибор боис чет эллик сайёҳлар оқими кўпаймоқда. Уларнинг сони ҳар йили 10 — 15 фоиз ўсаётгани шундан далолат бериб турибди.*

*Бу кўҳна кентда туризм ривожлангани сайин соҳа учун етук ва малакали кадрлар етказиб бериш масаласига ҳам катта эътибор қаратилаётир. Масалан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Сартепа туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида туристик фирмалар ва меҳмонхоналар учун кадрлар тайёрлаб бериш йўлга қўйилди. Айни чоғда шаҳримизда “Гидларни тайёрлаш ўқув маркази” ишлаб турибди. Ана шундай изланишлар самараси ўларoқ, Самарқанд шаҳри туризм маркази сифатида шаклланмоқда ҳамда дунё сайёҳлари эътиборини ўзига тортмоқда.*

*Шу йилнинг 3 — 4 октябрь кунлари БМТ Жаҳон туризм ташкилоти ижроия кенгашининг 99-сессияси Самарқандда ўтиши белгиланган ҳам бу тарихий кентнинг туризм салоҳияти нечоғлиқ юқори эканлигининг ўзига хос халқаро эътирофи, деб ўйлайман.*

**Илҳом СУВОНОВ,**
**«Ўзбектуризм» миллий компанияси Самарқанд минтақавий бўлими бошқарувчиси.**

САЛОМАТЛИК

# Муборакнинг шифобахш суви

Муборак туманида икки минг метрдан зиёд чуқурликдан чиқаётган минерал сув эндиликда қадоқланган ҳолда кенг истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай ноёб обиҳаёт одатда ер қаъридан сизиб чиқадиган шифобахш минерал тузларга бойдир. Бу эса инсон организми учун жуда фойдали.

Айни пайтда “Санжар Арслонов” хусусий корхонаси томонидан амалга оширилган мазкур лойиҳа доирасида “Авиценна” ёрлиғи остида бир литрлик идишларда соатига 800 донагача сув қадоқланмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Сўлим, баҳаво ва файзли

## Фарғона вилоятидаги ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларига ана шундай таъриф бериш мумкин.

*Ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказишига кўмаклашиш мақсадида Фарғона вилоятидаги 19 стационар ва умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган 92 та кундузги оромгоҳнинг барчасида бири-биридан қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилаётгани болалар учун айни муддао бўлмоқда.*



«ТАЪТИЛ — 2014»

Ёз мавсуми давомида жами 30 мингга яқин ўғил-қизларни бағрига оладиган ушбу оромгоҳлар бугун уларнинг шўх-шодон кулгиси билан янада файзли масканларга айланган.

Шоҳимардонсой соҳилидаги “Тонг” ёзги соғломлаштириш оромгоҳида олти босқичда бир ярим мингга яқин ўқувчи дам олиши кўзда тутилган. Айни кунларда 240 нафар бола ҳордиқ чиқараётган ушбу оромгоҳ замонавий шарт-шароити билан барчага бирдек манзур бўлмоқда.

— Бу ерда корхонамиз ишчи-ходимларининг фарзандлари мароқли дам олишлари учун кенг имкониятлар яратилган, — дейди Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи бирлашган Касаба уюшмаси раиси Абдумалик Халилов. — Мавсум олдидан оромгоҳдаги сузиш бассейни ва спорт майдончалари қайта таъмирланди, қўшимча ётоқхона бинолари ҳамда ошхона қуриб битказилди.

Қувасой шаҳридаги “Қувасой цемент” очиқ акциядорлик жамиятига қарашли “Роҳат” оромгоҳида 700 нафарга яқин ўқувчи ёзги таътил кунларини ўтказади. Баҳаво, сўлим масканидаги шинам ётоқхоналар, машғулот майдончалари, бой китоб фондига эга кутубхона, замонавий жиҳозлар билан таъминланган тиббиёт ва маънавият хоналари, компьютер маркази болалар ихтиёрига топширилган. Бу ерда инглиз тили, мусиқа, тасвирий санъат, компьютер саводхонлиги бўйича ўқув машғулотлари йўлга қўйилганини, стол тенниси, футбол, баскетбол, волейбол, сузиш ва шахмат-шашка тўгараклари фаолият кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мазкур оромгоҳда ҳар ёзги таътил мавсумида болаларнинг иқтидори ва салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларни ташкил этиш ҳам яхши анъанага айланган. “Заковат”, “Ўйла, изла, топ!”, “Топқирлар беллашуви” каби танловлар ўғил-қизларни ўз устида изланишга, билим ва тафаккурини бойитишга ундаса, “Қувноқ стартлар”, “Ким эпчилу ким чаққон?” спорт мусобақалари жисмоний куч ва имкониятларини синовдан ўтказиш имконини бермоқда. “Истиқлолим — истиқболим”, “Президент асарлари билимдони” каби тадбирлар, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши, “Камалак” болалар ташкилоти ва Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими томонидан “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида уюштирилаётган учрашувлар, концерт дастурлари, маданий-маърифий анжуманлар навқирон авлодда она-Ватанга муҳаббат туйғусини камол топтириш, улар онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур сингдириш мақсадларига хизмат қилаётир.

— Бу ер менга жуда ҳам ёқди, — дейди “Тонг” ёзги соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган Рустам Равшанов. — Ҳар бир кунимиз эсда қолмоқда. Мириқиб дам олаяпман. Янги дўстлар орттирдим. Спорт билан шуғулланаяпман. Шу билан бирга, инглиз тили тўгарагига қатнашаяпман. Ўртоқларим билан машғулотдан кейин ҳам инглиз тилида гаплашаяпмиз. Ҳозир бу тилда эркин сўзлашишни анчамунча ўзлаштириб олдим. Келаси йил ёзда ҳам шу оромгоҳга келишни хоҳлайман.

Рустам сингари юз-кўзида қувонч, бахтиёрлик акс этиб турган болаларнинг мана шундай эътирофлари ёш авлод манфаати йўлида олиб борилаётган кенг кўламдаги амалий ишларга берилган муносиб баҳо, десак, янглишмаймиз.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

**Миллий кинология маркази**

**биноларига техник топшириқ асосида шиша (оптик) толали кабеллар ёрдамида алоқа каналларини тортиш юзасидан ишларни бажариш бўйича**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Танлов номи** — Миллий кинология марказига шиша (оптик) толали кабеллар ёрдамида алоқа каналларини тортиш.

**Буюртма миқдори** — тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ.

**Буюртманинг максимал баҳоси (сўмда)** — 30 566 593 сўм.

Таклифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган алоҳида ёпиқ конвертларда, устки қисмига танлов номи елимланган ва муҳрланган ҳолда йўлланма хат билан топширилиши талаб этилади.

Таклифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

«Техник қисми» сўзлари ёзилган пакетга техник талаблар бўйича ҳужжатлар жойлаштирилган бўлиши лозим.

«Тижорат қисми» сўзлари ёзилган пакетга тижорат талаблари бўйича ҳужжатлар жойлаштирилган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатларининг баҳоси 96 105 сўмни ташкил этади. Тўлов Миллий кинология марказининг қуйидаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳ/р: 21506000903962715002, МФО: 00014, Марказий банкнинг Тошкент шаҳри бўйича бош бошқармаси ҲККМ, ОКОНХ: 97920, СТИР: 202683330.

**Танловда қатнашувчилар ўз таклифларини қуйидаги манзилга тақдим этишлари керак: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қипчоқ 2-тор кўчаси, 9-уй.**
**Маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 257-74-99, 258-63-22, 258-84-99.**

Барча таклифлар 2014 йил 15 август куни соат 17.00 гача Миллий кинология марказининг юқорида кўрсатилган манзилида қабул қилинади.

1059R/551

**Moody‘s Investors Service**

Халқаро рейтинг агентлиги

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг**

кредит рейтингларини

**ТАСДИҚЛАДИ.**

*Миллий валютадаги депозитлар рейтинги **B1***
*Хорижий валютадаги депозитлар рейтинги **B2***

Рейтинглар истиқболи:

**«Барқарор»**




Хизматлар лицензияланган.

1037R/305


Спорт ● Sport ● Спорт

*Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртларимиз олтита медаль жамғариб, мусобақани умумжамоа ҳисобида учинчи ўринда якунлашди.*

# Боксчиларимиз кучли учликда



Муросасиз баҳсларга бой ўтган беллашувларда вакилимиз Шаҳобиддин Зоиров (52 кг.) мўғулистонлик Асқар Нурлан, қирғизистонлик Азат Усеналиев, россиялик Гаврил Попов, филиппинлик Рей Салударни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Ҳасанбой Дўсматов эса финалда рақибига имкониятни бой бериб қўйди. Боксчиларимиздан Элнур Абдураимов, Исроил Мадримов, Хуршидбек Норматов ва Рустам Тўлаганов бронза медаллари билан тақдирланишди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**


**«Қибрай»**

*клиник санаторийси*



**юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.**

**Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналар мавжуд.**

**Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.**

**Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

*Манзилимиз:*

**Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.**

**Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.** 47/6


Тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-сон Марказий поликлиникаси жамоаси шифокор Тоҳир Ризаевга волидаи муҳтарамаси

**Қумри ая ТАДЖИБАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида “Фольклор санъати — халқ дурдонаси” мавзуида республика оммавий-маърифий анжумани бўлиб ўтди.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 769. 79 703 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5